
Фурқат туманида янги йил шукуҳи

Янги йил байрами Фурқат туманида ҳам ўзига хос кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Туман аҳолиси, айниқса ёшлар ва жажжи кичкинтойларга байрам кайфиятини улашиш мақсадида туман марказига ўрнатилган Янги йил арчаси атрофидаги байрам тадбирлари барчага байрамона кайфият улашмоқда.

Безатилган арча атрофида Қорбобо, Қорқиз каби эртак қаҳрамонлари болажонларнинг қувонч ва шодликларига сабабчи бўлишмоқда.

Маданият бўлими ходимлари томонидан тайёрланган байрам дастурида янграган куй-қўшиқлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Байрам тадбири ёрқин томоша - фурқатликларнинг жўшқин ва хуррам кайфиятини янада орттирган мушакбозлик билан яқунланди.

2023-12-29 20:12:56